

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Фармацевтика амалиётининг долзарб муаммолари

Ҳ.Қ.Абдуллаева

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: узлуксиз таълимнинг ажралмас ва муҳим бўлакларидан бири малака ошириш курсларидир. Тошкент фармацевтика институтининг “Фармацевтлар малакасини ошириш” факультетида бугунги кунда ўқитишнинг замонавий усуллари билан бир қаторда, анъанавий усуллар ҳам изчил олиб борилмоқда. Ушбу мақолада дарс жараёнларида тингловчилардан тушган баъзи саволларни келтиришни лозим деб топдик. Мақсад- ечимини кутаётган масалаларга ойдинлик киритиш ҳамда тўғри хулосага келишдир.

Усуллар: савол: Нима учун дезинтоксикацион инфузион эритма сифатида ишлатиладиган “гемодез” эритмасини тиббиётда қўллаш таъқиқлаб қўйилди? Ҳаётий зарур дорилар рўйхатидан ҳам чиқариб юборилди?

Савол: Натрий гидрокарбонатнинг стерил эритмасини тайёрлашда қўлланиладиган стабилизатор - трилон Б нима учун инъекцион эритма таркибидан чиқариб юборилган?

Савол: Аскорбин кислотасининг 5% - 10 мл стерил эритмасини 13 мл дан қадоқлаб тайёрлаймиз. Ортиқча сарф қандай ҳужжатлаштирилади?

Савол: Дори воситасининг қалбаки эканлиги қандай аниқланади?

Савол: Дорихона асептик блокига кираверишда резина гиламча ўрнига ёғочдан ясалган настил ишлатилиши тўғрими?

Савол: Стерил эритма тайёрлаш учун стабилизатор сифатида қўшиладиган хлорид кислотаси эритмасини стериллаб, сўнг ишлатиш керакми?

Савол: Нима учун, янги туғилган чақалоқларнинг кўзига албуцид эритмаси ўрнига тетрациклин суртмаси ишлатилмоқда? Ахир 8 ёшгача бўлган болалар учун антибиотик бериш таъқиқланар эди-ку?

Савол: Алоҳида буюмларни кимёвий усулда стериллашда қўлланилган 6% ли пергидроль эритмасини қайта ишлатиш мумкинми?

Савол: Дорихонанинг савдо залига бактерицид лампа ўрнатиш шартми?

Натижалар: келтирилган саволлардан кўриниб турибдики, дорихона ходимларини қизиқтираётган масалалар асосан, дорихона ишини ташкил қилиш; аҳолига малакали фармацевтик хизмат кўрсатиш; айрим дори воситаларидан дори шакллари тайёрлашда учрайдиган муаммолар, уларни оқилона ечимларини топиш; дори воситаларини қўллаш, юбориш усуллари; фармацевт-бемор, фармацевт-шифокор орасидаги муносабатларга қаратилади.

Хулосалар: уларни ҳал қилиш учун: дорихона ходимлари ҳар 5 йилда мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб туришлари зарур; ССВ томонидан қабул қилинган буйруқ ва кўрсатмаларни дорихона ходимларига вақтида етказиб бериш масалалари мутасадди ташкилотлар томонидан назоратга олиниши мақсадга мувофиқ.